



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2013 йил 25 май, № 101 (5775)

Шанба

ИСТИҚЛОЛНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЁШЛАРИ

Ёшлар — эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи ва таянчи. Шу боис уларнинг эзгу орзу-умидлари ушалиши учун беқиёс ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Қад ростлаётган мухташам ўқув масканлари, яратиб берилётган шарт-шароитлар бу борада мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилапти. Энг муҳими, навқирон авлод бундай юксак эътибор ва эъозга муносиб бўлишга интилоқда. Бинобарин, бугун мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактабларида “Хайр, мактаб, салом, коллеж” шиори остида сўнги кўнғироқ тадбирлари ўтказилиб, ўқувчилар таътилга чиқишади, битирувчилар эса ўқишни давом эттириш мақсадида ота-оналари билан ўзлари танлаган коллеж ва лицейларга ташриф буюришади.



СўНГИ
КўНҒИРОҚ

Президентимиз раҳнамолигида таълимга, жумладан, мактаб таълимини ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор самарасидан баҳраманд бўлиб, миллий истиқлол ғояси асосида сабоқ олган ўғил-қизларнинг дилларида бу кун бир

олам эзгулик жўш уриши табиий. Зеро, улар Юртбошимизнинг: “Ҳеч иккиланманг, болаларим, марра бизники, келажак бизники!” деган қанотбахш сўзларини қалбларига жо қилган имконияти кенг, истиқболи ёруғ бахтли авлоддир.

(Давоми 4-бетда).

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақдим этилган кун тартиби тасдиқланган, депутатлар бир қатор қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар.

ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ БИРИНЧИ ЎҚИШДА КўРИБ ЧИҚИЛДИ

Қонунчилик палатасининг мажлиси ҳамда ундан олдин бўлиб ўтган Қонунчилик палатаси Кенгаши, сиёсий партиялар фракциялари ва Экоҳаракат депутатлар гуруҳининг йиғилишлари яқинда кучга кирган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун талаблари асосида ташкил этилди.

Қонун лойиҳаларини Қонунчилик палатаси мажлисида кўриб чиқиш давомида маърузачилар сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Экоҳаракат депутатлар гуруҳининг тегишли қонун лойиҳалари юзасидан фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдирдилар.

Қонунчилик палатаси «Гаров реестри тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Мазкур ҳужжатда гаров реестрини ҳисобга олишнинг ягона базасини яратишга доир ҳуқуқий механизмлар белгиланган бўлиб, улар гаровга қўйилган мол-мулкни ҳисобга олиш, шунингдек, уни гайриқонуний равишда реализация қилиш ёки бошқа шаҳсга беришнинг олдини олиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Гаров реестри маълумотларнинг ягона ахборот базаси бўлиб, у жисмоний ва юридик шахсларнинг гаров таъминотида доир ҳуқуқлари юзага келганлиги, шунингдек, бу ҳуқуқлар ўзгарганлиги ёки тугатилганлиги ҳақидаги электрон шаклдаги ёзуви ўз ичига олади.

ЎзЛиДеП фракцияси аъзоларининг таъкидлашича, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар натижасида юзага келган имконият ҳамда қонун лойиҳаларининг кўмиталар ва фракциялар кўриб чиқиши учун бир вақтнинг ўзида келиб тушиши фракцияларга қонун лойиҳаларини юзасидан ўз фикрлари ва таклифларини батафсил тайёрлаш имкониятини яратди. Мисол учун, ЎзЛиДеП фракцияси қонун лойиҳасини мамлакатимиз минтақаларида тадбиркорлар, соҳа мутахассислари, жамоатчилик вакиллари билан биргаликда муҳокама қилишни ташкил этишга муваффақ бўлди. Фракция ўтказган давра суҳбатида миллий ва

халқаро экспертларнинг қонун лойиҳаси бўйича фикр-мулоҳазалари эшитилди. Буларнинг бurchаси фракциянинг қонун лойиҳаси юзасидан масъул кўмитага киритган нуктаи назарида ҳисобга олинди.

Чунончи, ЎзЛиДеП фракцияси вакиллари шуни алоҳида таъкидлашди, қонун лойиҳаси давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодий либераллаштириш соҳасида ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳаси молия-банк тизимини янада ривожлантиришга, молия хизматлари бозорида мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва рақобатни кучайтиришга, энг юқори халқаро андозаларга жавоб берувчи замонавий бозор инфра-тузилмасини ривожлантиришга қаратилган.

Бунда қонун лойиҳасининг энг муҳим вазифаси кредитларни расмийлаштириш тартиб-таомилини янада такомиллаштириш, кўчар мулкни гаров айланмасига киритиш ҳисобига кичик бизнеснинг кредит орқали молиялаштиришдан эркин фойдаланишни кенгайтириш ҳамда мол-мулкни гаровга қўйиб, кредит беришда тижорат банкларининг таваккалини камайтиришдан иборатдир.

ЎзХДП фракцияси депутатлари мазкур қонун лойиҳаси юзасидан билдирган ўз нуктаи назарларида гаров реестрини ташкил этишдан асосий мақсад гаров тўғрисида ишончли ахборот йиғиши, унга ишлов бериш ва уни гаровга қўйилган мол-мулкка ҳуқуқи бўлган ёки уни олишни хоҳлаган шахсларга беришдан иборат эканлигига асосий эътиборни қаратдилар. Ушбу қонун гаров таъминотлари бўйича ахборотларни ҳисобга олиш, сақлаш ва алмашиш борасидаги муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади. Бу чора-тадбирлар, авваломбор, гаровга қўйилган мол-мулкнинг давлат томонидан аниқ ҳисобга олинишини таъминлашга, шунингдек, унинг гайриқонуний равишда реализация қилиниши ёки бошқа шахсга ўтказилишининг олдини олишга қаратилгандир.

(Давоми 2-бетда).

ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

Бугун биз шиддатли технологик янгиланишлар асрида яшаймиз. Бундай шароитда интеллектуал салоҳиятни ошириш, илғор лойиҳалар ва ишланмаларни амалиётга тез ҳамда самарали татбиқ қилиш ҳар қандай мамлакат истиқболлида муҳим аҳамият касб этади.

АНЖУМАН

Пойтахтимизда инсон омилни ривожлантиришга бағишлаб “Муваффақиятли кадрлар — муваффақиятли бизнес” мавзусида бўлиб ўтган I халқаро HR-форумда айни шу жиҳатга алоҳида урғу берилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги кўмағида “Ўзбекистон маданияти ва санъати

форуми” жамғармаси, “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази хузуридаги Ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи марказ, “Saipiro” ахборот-рейтинг агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда турли вазирлик ва идоралар, олий ўқув юрталари ва дипломатик корпус вакиллари, маҳаллий ҳамда хорижий компанияларнинг топ-менежерлари, ходимлар

бошқаруви бўйича раҳбарлар, меҳнат бозори мутахассислари ва экспертлар қатнашди. Форумнинг очилишида Президентимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, дунёнинг энг илғор давлатларида йўлга қўйилган таълим тизимини даражасида билим олишлари ва касб-ҳунар эгаллашлари, энг муҳими, келишда ўзлари учун мос иш ўрни-

га эга бўлишлари йўлида изчил ислохотлар олиб борилаётгани таъкидлаб ўтилди. Хусусан, мазкур жабҳада комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида жорий йилнинг биринчи чораги якунларига кўра, республикада 250,4 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди.

Айтиш керакки, ушбу анжуманнинг мамлакатимизда ўтказилиши ҳам бежиз эмас. Зотан, “Ўзбек модели” асосида кун сайин тараққий этиб бораётган миллий компания ва корпорациялар, ҳатто хусусий корхоналар

ҳам нафақат маҳсулот сифатини яхшилаш, балки шу орқали ўз ташкилотларининг нуфузи ва мавқеини кўтаришга эътибор қаратдилар. “Иш беришнинг брендини ривожлантириш” маъносини англатадиган HR-branding тизими айнан шу мақсадга, яъни корхонани ривожлантиришда ходимларни тўғри танлаб олиш ва ижлага қўйиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятидан оқилона фойдаланиш орқали бренд оммабоплигини кучайтиришга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).

СЕМИНАР

Жиззахда вилоят адлия бошқармаси ва вилоят фермерлар кенгаши ҳамкорлигида семинар ташкил этилди.

Фермерлик ҳаракатининг ҳуқуқий асоси

Унда вилоят ҳамда туман фермерлар кенгашларининг раҳбар ва мутахассислари, таъминотчи корхоналарнинг маъсул ходимлари, ҳуқуқшунослар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Таъкидланганидек, Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони соҳа ривожига янги босқични бошлаб берди. Фермерларнинг ўзини ўзи бошқариш жараёнларини кучайтириш ва шу асосда қишлоқ ҳўжалиги самардорлигини янада ошириш мақсадида қабул қилинган мазкур Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ҳамда вилоят ва туман фермерлари кенгашлари ташкил этилиб, янги тузилма сифатида иш юрятапти.

(Давоми 2-бетда).

Баркамол авлод тарбияси ва самарали ҳамкорлик

Ёшлар тарбиясига бўлган эътибор йилдан-йилга кучайтирилаётгани бежиз эмас. Зеро, бугун оилаларда камолга етаётган, таълим муассасаларида билим сирларини пухта эгаллаётган, маҳалла аҳли кўз унгида улғайётган ёшларимиз юртимизнинг эртанги тараққийи давомчилари ҳисобланишади.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Шу мақсадда оила, маҳалла ва таълим муассасаси ўртасидаги ҳамкорликни ҳамда унинг самарасини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар маъмуи ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ қилинмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги “Баркамол авлоднинг тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу бо-

радаги ишлар кўламини янада кенгайтирди. Ҳозирги пайтда ушбу ҳамкорлик доирасида оила, маҳалла, таълим муассасалари ҳамкорлиги самарадорлигини янада оширишга қаратилган услубий асосларни яратиш, ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги ролини кучайтириш, уларнинг ёш авлоднинг тарбиялаш бўйича ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва физиологик билимини бойитишга кўмаклашиш, таълим-тарбия сифатини юксалтириш чоралари кўрилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

БИР
РАҚАМ
ШАРҲИ

ТУРАРЖОЙЛАР
ҚУРИЛИШИ
КўЛАМИ
КЕНГАЙМОҚДА

2013 йилнинг дастлабки уч ойида мамлакатимизнинг қишлоқ жойларида

1,3
миллион квадрат метрлик уй-жой фойдаланишга топширилди.

Намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш дастурига мувофиқ, аҳолига имтиёзли кредитлар берилётгани, янги уй-жойлар учун ер массивларини ажратиш, уларни лойиҳалаштириш ва мустаҳкам бунёд этиш бўйича ноёб тизим яратилгани туфайли республикамизнинг чекка ҳудудларида ҳам шаҳардагидек шароитга эга қулай ва кўркам уйлар қурилиши кўлами тобора кенгаймоқда.

ОЛИЙ ҲўЖАЛИК СУДИ ПЛЕНУМИ

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Ҳўжалик суди пленуми бўлиб ўтди.

Пленум мажлисида Олий Мажлис Сенати аъзолари, Олий Ҳўжалик суди судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ҳўжалик судлари раислари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар масъул ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар, Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ҳакамлик судлари ассоциацияси ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди. Эътироф этилганидек, бугунги кунда Ўзбекистон ва жаҳоннинг 130 дан ортиқ мамлакатлари ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган бўлиб, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий, сармоявий ҳамкорлик йўлига қўйилган. Бу мамлакатимиздаги кўплаб Ҳўжалик юртувчи субъектлар, шу жумладан, тадбиркорларнинг хорижий ҳамкорлар билан шартномавий муносабатларга киришаётганликларида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

МЎЛ-КЎЛЧИЛИК ВА БАРАКА МАНБАИ

Халқимиз азал-азалдан ғаллачилик билан шуғулланиб келади. Айниқса, истиқлол йилларида мамлакатимизда бу соҳага давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиши натижасида биз қисқа муддат ичида ғалла мустақиллигига эришдик. Бунда Суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий тадқиқот институти Ғаллаорол филиалининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

ИЛМИЙ МУАССАСАЛАРДА

Негаки, ушбу жамоа томонидан лалми ва суғориладиган ерларда бошоқли дон экинлари селекцияси, уруғчилик ва агротехнологиялари ўрганилиб, юмшоқ бугдойнинг "Маржон", "Ёнбош", "Санзар-8", "Санзар-6", "Санзар-4", "Дўстлик", "Замин-1", "Оқ бугдой", "Кўкбулоқ", "Истиқлол-6", "Истиқлол-20", "Саъд-2010", "Бахмал-97" ва "Баҳор-1", қаттиқ бугдойнинг "Мақуз-3", "Марварид", "Чарос", "Истиқлол-5", "Олмос-2011", "Жавҳар", "Меланоус-170" каби янги навлари яратилиб, республикамиз ер майдонларида экиш учун районлаштирилди.

Шу билан бирга, институт-да яратилган бошоқли дон экинларининг 34 та, дуккакли дон экинларининг 10 та, мойли ва полиз экинларининг 4 та янги нави Давлат синовидадан ўтказилмоқда. Юмшоқ бугдойнинг "Ёнбош", "Дўстлик", "Замин-1", "Ҳосил-

дор", "Санзар-4", "Истиқлол-20", "Саъд-2010", қаттиқ бугдойнинг "Мақуз-3", "Истиқбол-ли" каби навлари шулар жумласидандир. Бу навлар, асосан, республикамизнинг сув таъминоти кам бўлган, иссиқ iklimли, қурғоқчил ҳамда турли даражада шўрланган майдонларига экишга мослашгани билан аҳамиятлидир. Эътиборли жиҳати, янги навлар занг касалликларига чидамли, ҳосилдор ва юқори дон сифатига эга. Масалан, ИКАРДА (Қурғоқчилик минтақаларида қишлоқ хўжалик тадқиқотлари халқаро маркази) билан ҳамкорликда яратилган юмшоқ бугдойнинг "Дўстлик" нави сунгги йилларда Сирдарё

вилоятининг 40 минг гектар ва Жиззах вилоятининг 15 минг гектар шўрланган ва танқис бўлган майдонларига экилиб, ҳар гектаридан 60-65 центнердан ҳосил олинмоқда.

"Замин-1" нави эса сув билан кам таъминланган майдонларга мослашгани, касаллик ва зараркундаларга чидамли ҳамда ҳосилдор бўлганлиги сабабли, республикамизнинг Фаргона, Наманган, Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларининг кенг майдонларида ўстирилмоқда. Бу нав баҳорда экилганда ҳам, гектаридан ўртача 45-50 центнер ҳосил бериши, айниқса, диққатга sazвордир.

Филиалимизнинг илмий салоҳияти ҳақида гапирадиган бўлсак, ҳозирги кунда 36 нафар илмий ходим, шу жумладан, 2 нафар фан доктори, 15 нафар фан номзоди, 3 нафар докторант, 5 нафар аспирант фаолият кўрсатапти.

Илмий муассасамизнинг келгусидаги режалари ҳам улкан. Биринчи навбатда, бошоқли дон экинларининг шўрга, қурғоқчиликка, иссиқликка, касалликларга, ётиб қолишга чидамли навларини яратиш, бошланғич уруғчилик тизимини такомиллаштириш, уруғчилик хўжалиқларини юқори репродукцияли уруғлар билан таъминлаш — асосий вазифамиздир. Айни чоғда илмий асосланган алмашлар экиш тизимини, ресурсларни тежашга, тулпроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишни таъминлашга қаратилган технологияларни ишлаб чиқиш, бошоқли дон экинларининг генофондини сақлаш, ўрганиш ва ундан фойдаланиш, ўсимликларни касаллик ҳамда зараркундалардан ҳимоя қилишнинг замонавий усулларини

яратиш ва жорий қилиш масалалари ҳам диққат-эътиборимизда турибди. Бу вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун эса республикамиздаги бир қатор илмий муассаса ва олий ўқув юрталари билан тадқиқот ишлари олиб бориш билан бирга, малакали кадрлар тайёрлаш, уларнинг салоҳиятини ошириш мақсадида дунёдаги халқаро илмий марказлар билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга ҳаракат қиляпмиз.

Рисқол СИДДИҚОВ,
Суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий тадқиқот институтининг Ғаллаорол филиали директори, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ЗАХИРАЛАРИНИ БОШҚАРИШ КЎМИТАСИГА ҚАРАШЛИ «ИЛҒОР» КОМБИНАТИ

куйдаги объектни тўлиқ таъмирлаб, фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ УТКАЗИЛИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объект номи: «Ёр сақланадиган резервуар паркдаги 2 та резервуар (жами 2000x7 та) ва қурувларнинг ҳимоя қобилигини алмаштириш, пайванд чокларини дефектоскопик текшириш, капитал таъмирлаш»

Буюртмачи бошланғич баҳоси:
— 306 019 833 сўм ҚҚСиз;
— 367 223 800 сўм ҚҚС билан.

Қурилиш муддати — 16 ой.
Қурилиш ишлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилди.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш кўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдolari ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази.

Буюртмачи — «Илғор» комбинати.
Манзили: Самарқанд вилояти, Жума шаҳри, Тинчлик кўчаси, 54-уй.
Телефон: (8-366) 465-23-75.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар куйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдolari предметни қийматининг камида 20 фоизи миқдордаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қаролатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга кўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик

тажрибасига, кўникмаларга, мудофаа объектларини қуриш ва таъмирлаш учун махсус лицензияга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва хорижий қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига куйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қилинган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) импортга етказиб берилмаган танлов таклифлари қатнашилганнинг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдolari ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига куйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўрсарой майдони, 2-«Д» корпуси, 403-хона. Телефон: (8-366) 231-13-51. Факс: (8-371) 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари битта тўпламининг баҳоси — 80 000 (саксон минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси га тақдим этишининг охириги муддати — 2013 йил 3 июнь.

«ТУРОН КЎЧМАС МУЛК САВДО» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ, МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ КЎМИТАСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ХУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ

Билан ҳамкорликда баҳоси босқичма-босқич ошириб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф ётади.

Очиқ аукцион савдосига Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси Хоразм вилояти худудий бошқармасининг 2013 йил 29 мартдаги 19-АС-сонли буйруқига асосан, Хоразм вилояти, Ҳазорасп тумани, «Янгибозор» қишлоғи, Янгибозор маҳалласида жойлашган, Ҳазорасп тумани ҳокимлиги ҳисобиди, умумий ер майдони — 3850,0 кв.метр, шундан қурилиш ости майдони — 935,41 кв.метрни ташкил қилган бино ва иншоотлар.

Бошланғич баҳоси — 339 546 500 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 27 июнь кўни соат 11.00 да Урганч шаҳри, Пахлавон Маҳмуд кўчаси, 2/1-уйда бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

Савдога кўйилган кўчмас мулклар билан Ҳазорасп тумани ҳокимлиги вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида

иштирок этиш истагидаги талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш мазкур хабарнома эълон қилинган кундан бошлаб ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 9.00 дан соат 18.00 гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади. (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан, бино ва иншоотлар бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини «Турон кўчмас мулк савдо» МЧЖнинг куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904925192001, АТИБ «Ипотека-банк»нинг «Тинчлик» филиали, МФО: 00580, СТИР: 302054263.

Савдо голибига савдо кундан кейин 20 (йигирма) кун ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади. Аукцион қатнашчиси аукцион ўтказилишидан бир соат олдин ёзма билдиришнома бериш йўли билан аризани қайтариб олиши мумкин.

Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни савдо ташкилотчиси жойлашган манзил ва (8-362) 224-13-97 телефон рақами орқали олишингиз мумкин. Манзил: Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Пахлавон Маҳмуд кўчаси, 2/1-уй, «Ўзбекистон ХДП Хоразм вилояти кенгаши» биноси, 2-қават, 206-хона. Ишонч телефони: Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат кўмитаси Хоразм вилояти худудий бошқармаси — (8-362) 226-16-55. Расмий сайтимиз: www.tkms.uz Лицензия: RL-001 RR-0088.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Самарқанд вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф ётади.

Аукцион савдосига Самарқанд шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 25 декабрдаги ЖСК-1-481/2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Аэропорт кўчаси, 9-уйда жойлашган, «СУ-855» МЧЖга тегишли, қурилиш майдони 843,0 кв.м. бўлган савдо дўкони биноси такроран кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 104 632 900 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 12 июнь кўни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2013 йил 10 июнь кўни соат 16.00.

Талабгорлар диққатига! Ушбу кўчмас мулк 2013 йил 12 июндаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2013 йил 28 июнь кўни бўлиб ўтади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2013 йил 26 июнь кўни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилиари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» «Кўрсарой» филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000604920609025, МФО: 00262, СТИР: 207122519.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 85-«А» уй.
Телефон: (8-365) 233-80-56. www.1kms.uz
Лицензия: RR-0001.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Қашқадарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдolari га таклиф ётади.

1. Аукцион савдосига Қарши шаҳар СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 22 декабрдаги 10-1116/16793-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қарши шаҳри, Насаф кўчасида жойлашган, МЧЖ шакидаги «Нефтгазиндустрия» кўшма корхонасига қарашли, умумий ер майдони 18000 кв.м., қурилиш майдони 2041,82 кв.м. бўлган савдо базаси такроран кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 207 765 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 14 июнь кўни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2013 йил 12 июнь кўни соат 18.00.

2. Аукцион савдосига Миришкор тумани СИБ томонидан ЖИБ Бухоро вилояти судининг 2012 йил 2 майдаги 2-12-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Миришкор тумани, Миришкор қишлоғи, «Қарши — Помук» автомобиль йўли ёқасида жойлашган, «PROGRESS GAZ SERVICE» МЧЖга қарашли, умумий майдони 8638,12 кв.м. бўлган

автомобилларга суюлтирилган газ ёқилгиси куйиш шохобчаси кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 331 121 100 сўм.
3. Шахрисабз тумани СИБ томонидан ФИБ Шахрисабз туманлараро судининг 2013 йил 20 мартдаги 1-582-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шахрисабз шаҳри, «Пиллакашлик» МФИ, Пиллакашлик кўчасида жойлашган, умумий майдони 1008,0 кв.м., қурилиш майдони 434,64 кв.м. бўлган савдо мажмуаси кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 160 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 25 июнь кўни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2013 йил 21 июнь кўни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилиари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

Манзил: Қарши ш., М. Абдуллаева к., 20-уй.
Телефон: (8-375) 225-44-58. www.1kms.uz
Лицензия: RR-0001.

«CONTINENTAL ESTATE ADVISORY GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдосига таклиф қилади.

«Continental Estate Advisory Group» МЧЖ томонидан 2013 йил 24 июнь кўни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳар суд ижрочилиари бўлими томонидан 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2001-сонли ижро варақасига асосан хатланган куйидаги кўчмас мулк объектлари кўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 202-уйда жойлашган, умумий майдони 184,2 кв.м. бўлган яшаш учун уй-жой.

Бошланғич баҳоси — 355 817 000 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 7-уй, ер майдони 517 кв.м.да жойлашган, умумий майдони 126,2 кв.м. бўлган яшаш учун уй-жой.

Бошланғич баҳоси — 156 925 000 сўм.

3. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 10-уй, ер майдони 501 кв.м.да жойлашган, умумий майдони 227,04 кв.м., 5 хонадан иборат яшаш учун уй-жой.

Бошланғич баҳоси — 362 031 000 сўм.

4. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Подшобоб кўчаси, 61-63-уйлар, ер майдони 1090 кв.м.да жойлашган, умумий майдони 427,35 кв.м., 2 қаватли яшаш учун уй-жой.

Бошланғич баҳоси — 1 900 129 000 сўм.

5. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 8-уй, ер майдони 794 кв.м.да жойлашган, умумий майдони 234,15 кв.м. бўлган яшаш учун уй-жой.

Бошланғич баҳоси — 280 707 000 сўм.

6. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 382-уй, ер майдони 817 кв.м.да жойлашган, умумий майдони 532,84 кв.м. бўлган нотурағорчи биноси.

Бошланғич баҳоси — 348 190 000 сўм.

7. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Муса Жалил 1-тор кўчаси, 4-уй, ер майдони 351 кв.м.да жойлашган, умумий майдони 244,5 кв.м. бўлган яшаш учун уй-жой.

Бошланғич баҳоси — 322 729 000 сўм.

8. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Шалоба кўчаси, 30-уй, ер майдони 454 кв.м.да жойлашган, умумий майдони 210 кв.м. бўлган яшаш учун уй-жой.

Бошланғич баҳоси — 202 844 000 сўм.

9. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Анжиробод

кўчаси, 12-уй, ер майдони 329 кв.м., умумий майдони 116 кв.м. бўлган яшаш учун уй-жой.

Бошланғич баҳоси — 185 948 000 сўм.

10. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирҳосилбой 1-тор кўчаси, 16-уй, ер майдони 336 кв.м., умумий майдони 207,4 кв.м. бўлган яшаш учун уй-жой.

Бошланғич баҳоси — 315 873 000 сўм.

11. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирҳосилбой кўчаси, 20-уй, ер майдони 341,1 кв.м., умумий майдони 176,4 кв.м. бўлган яшаш учун уй-жой.

Бошланғич баҳоси — 353 568 000 сўм.

12. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, М. Риёзий кўчаси, 17-уйдаги 18-хонадон, майдони 60,46 кв.м.га тенг бўлган 9 қаватли бинонинг 1-қаватида жойлашган, икки хонали яшаш учун уй-жой.

Бошланғич баҳоси — 81 971 000 сўм.

13. Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Юнус Ражабий кўчаси, 72-уйдаги 22-хонадон, майдони 143,33 кв.м.га тенг бўлган, 7 қаватли бинонинг 6-қаватида жойлашган тўрт хонали яшаш учун уй-жой.

Бошланғич баҳоси — 248 075 000 сўм.

Юқорида кўрсатилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилиари бўлими вакиллари иштирокда бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Continental Estate Advisory Group» МЧЖнинг ОАТБ «Туронбанк» Миробод филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904916649001, МФО: 00986, СТИР: 301949454.

Аукцион голибни сотиб олган мулк қийматини 5 банк кўни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

Манзил: 100066, Тошкент ш., Бешёғоч к., 1-уй.
Телефонлар: (8-371) 245-30-40, (+998 95) 170-11-40.

Лицензия: RR-0035.

«Universal Auktions Invest» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали

очиқ аукцион савдосига таклиф ётади.

2013 йил 11 июнь кўни соат 12.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига куйидаги автотранспорт воситалари кўйилмоқда:

● Қорақалпоғистон Республикаси Қонлиқул тумани ЖИБ судининг 2013 йил 20 февралдаги 1-276/2013-сонли ижро варақасига асосан, Шуманай тумани СИБ томонидан хатлиб, Шуманай тумани, «Ак-жан» АПЖда вақтинча сақланаётган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган «Nexia» русумли, давлат рақами 95 F 858 AA.

Бошланғич баҳоси — 22 680 000 сўм.

● Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг 2012 йил

ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛДАГИ МУВАФФАҚИЯТ

Мамлакатимизда навқирон авлод вакиллари кўрсатилаётган юксак эътибор туфайли илму фан, спорт ва санъатда кўлаб ютуқларга эришиб келмоқда.



Бу борада, айниқса, Президентимиз ташаббуси билан уларни мукаса санъатига муҳаббат руҳида тарбиялаш, шу орқали ўғил-қизлар калбида эзгу фазилатларни жо этишга урғу берилётгани алоҳида аҳамият касб этмоқда. Кунги кеча Италиянинг Перуджио шаҳрида халқро болалар мукаса фестивали ва унинг доирасида ташкил этилган "Musica d'infanzia associazione" танловида Успенский номидаги республика махсус мукаса академик лицейининг бир гуруҳ ўқувчилари ҳам муваффақиятли иштирок этиб қайтишди.

— Фестиваль давомида ўнлаб ўзбек халқ кўшиқлари ва мукасаларини ихро этдик, — дейди ёш созанда Исрол Умрзоқов. — Халқимизнинг умрбоқий қадриятлари, маданияти ва санъатини намойиш этиб олганимиздан ниҳоятда хурсандимиз.

Қарийб бир ҳафта давом этган ушбу кўрик-танловда ўзбекистонлик ўқувчиларнинг мусика, фольклор, анъанавий хонандалик йўналишидаги ихрочилиги маҳорати юқори баҳоланди.

Айниқса, бир қатор халқаро кўрик-танловлар совриндорлари — Искандар Мамадалиев ва Азиза Ботирова-

нинг фортепьянодаги дуэти маҳорати танлов хайъати ва меҳмонлари томонидан юксак эътироф этилиб, фестивал Гран-приси билан тақдирланди.

— Хар гал халқро танловларда "Ўзбекистон" деб эълон қилишса, қувончдан кўларимга ёш келади, — дейди Искандар Мамадалиев. — Бу сафар ҳам худди шундай бўлди. Танловнинг нуфузли мукофотини қўлга киритгач, Ватаним, ота-онам, Юртбошимизнинг меҳрларини ҳис қилдим. Энг асосийси, қаерга бормайлик, мустақил юртимизда биз, ёшларга яратиб берилётган кенг имкониятларни намойн қилаётганимиздан гурурланамиз.

Мавжуда ХОЛМАТОВА, Ҳасан ПАЙДОЕВ (сурат), «Халқ сўзи» мухбирлари.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Негаки, бундан атиги 22 йил илгари мактабни битирган авлод ҳам ҳозирги таълим даргоҳларини кўриб ҳайратланаяпти. Чунки у даврдаги мактаблар билан истиқлол замони-нинг ўқув масканлари орасида тафовут ниҳоятда катта. Тор ва ноқулай патлар, қўпол доскаларга оёғининг учини

ИСТИҚЛОЛНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЁШЛАРИ

қўтариб мавзу ёзишга ўрганган ўқувчиларга, компьютер у ёқда турсин, мундайроқ электрон хисоблаш машинаси ҳақида гапириш ҳам галати туғулган. Ҳозирги ўқув жихозларини у пайларда фақат озу қилиш мумкин эди, холос. Мактаб стадионларининг талабага жавоб бермаслиги, жисмоний тарбия дари суйишга, фақат қолпоқ тепиш тушуниладиган кунлар, не бахти, орда қолди. Бугун бизга оқод элнинг обод гўшаларида қад кўтарган, кўтарётган кўркем мактабларни кўриш, ушбу таълим масканларида илгари таша, китобга ошно тутилган фарзандларини ўқитиш насиб этди...

Бундай эзуликлар ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ, албатта. Зеро, истиқлол йилларида Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда ушбу ҳужжатларнинг мантқий давоми бўлмиш Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури мактаблар ҳаётида туб бурилиш ясади. "Мактабга эътибор — келажакка эътибор" деган оғибаноб шир остида хош шаҳар, хош энг чека худудларда бўлсин, кўз ўнгимизда ҳашаматли мактаблар бунёд этилди. Бинобарин, 2012 йилда жами 363 та таълим муассасасида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилиб, шулардан 14 та янги уй-жой массивида мактаблар қурилди, 187 та мактаб капитал реконструкция қилинди, 162 та мактаб капитал таъмирланди.

Жорий йилда инвестиция дастурига кўра, 381 таълим муассасасида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилиши белгиланган. Якунига етаётган ўқув йилидаги энг муҳим воқеалардан бири, шубҳасиз, Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чораларини айтмади. Айтмадики, дунёнинг ташвиши суҳуси ҳам бундан ошиб ётибди, деб ўйлади...

Қулоқ солинг, сўнги кўнғирок жарангламоқда. Иил мобайнида ўқувчиларни синфларга қорлаб келган кўнғирок бу сафар сабоқларнинг тугаганидан дарак бераётди. У белгиланган дастур бўйича мавзуларни ўзлаштирган ўғил-қизларимиз учун катта ҳаётга қорловчи кўнғирок ҳамдир. Сўнги кўнғирок! Унинг хуш садоси навқирон авлоди шу мўътабар ва буюк мамлакатимизнинг муносиб фарзанди бўлишга, улар қалбида Ватанга муҳаббат, ота-онага ҳурмат туғуларини янада мустаҳкамлашга қорлайверсин!

Максуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ! «ЭЪТИРОФ — 2013»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорликда матбуот ва интернет нашрларида жамият ҳаётида кечяётган жараёнлар тезкор, холис ва ҳаққоний, таҳлилий жиҳатдан юксак савияда ёритилган материаллар қўламини ошириш, босма нашрларни шаклан ва мазмунан такомиллаштириш, уларнинг жаҳон стандартларига мос ривожланиши, дунё ахборот майдонида ўз ўрнини эгаллаши, рақобатбардор бўлиши, нуфузи оши-

шига кўмаклашиш, журналистларнинг касбий маҳоратини ошириш, нашрлар ўртасида профессионал алоқаларни йўлга қўйиш, тажриба алмашишга ёрдам кўрсатиш, иқтидорли муаллифларни рағбатлантириш мақсадида газета, журнал, интернет агентликлари ва нашрлари ўртасида «Эътироф» танловини эълон қилади.

Танлов номинациялари:
— энг яхши ижтимоий-сиёсий нашр;
— энг яхши иқтисодий нашр;
— энг яхши спорт нашри;
— энг яхши болалар нашри;
— газета-журналнинг энг яхши дизайни учун;
— энг яхши интернет-агентлиги ва нашри.

Танлов ўтказиш тартиби ва шартлари
Ҳолиблар 2012 йилнинг 1 сентябридан 2013 йилнинг 1 сентябрга қадар олиб борган фаолияти натижаларига кўра аниқланади. Ҳолиблар куйидаги мезонлар бўйича аниқланади:
— нашрнинг ўз йўналиши бўйича оммавийлиги;
— материалларнинг ранг-баранглиги ва долзарблиги;
— бадиий-эстетик безатилиши.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, жамоат ташкилотлари ва тегишли идоралар вакилларидан иборат ҳайъат томонидан баҳоланади.

Танловда қатнашиш истагини билдирган тахририятлар фонд дирекциясига ёзма равишда мурожаат қилишлари лозим.

Ҳолибларни тақдирлаш
Танлов ғолиблари «Ўзбекистон матбуоти» III Миллий форумида эълон қилинади.
Танловда қатнашиш учун аризалар 2013 йил 5 сентябрга қуйидаги манзилда қабул қилинади: 100129, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 1-хона. Мурожаат учун телефонлар: 244-14-28, 244-12-51, www.mmf.uz, e-mail: mmfuz@inbox.uz, info@mmf.uz
Ташкилий қўмита.

Қизиқарли ва ҳаяжонли дамлар яқин



Бухоро шаҳрида ўтказиладиган "Универсиада — 2013" спорт уйинларининг республика босқичида муносиб қатнашиб, совриндор бўлишни мақсад қилган Сурхондарё вилояти талаба-ёшлари ҳам баҳсларга қизғин тайёргарлик кўришмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган уч босқичли мусобақалар тизими — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада беллашувлари ёш авлодни она-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, улар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ғалабага бўлган интилиш фазилатларини кучайтиришда ўзига хос камолот мактаби вази фасини ўтамоқда. Мазкур спорт уйинлари биринчи синф ўқувчиларидан тортиб, олий таълим муассасаси битирувчиларигача, яъни ёш авлоднинг барча вакилларини қам-

раб олиши билан аҳамиятлидир. Мусобақаларнинг дастлабки босқичидаёқ минг-минглаб ўғил-қизлар спортдаги имкониятларини, иқтидорларини синаб кўрадилар. Кейинги босқичларга қадар эса янада гуҳароқ ҳозир-қилиб кўриб, зафар қучишга астойдил ҳаракат қилдилар. Қисса соғлом мактаб рақобат мўҳити юзага келади ва маҳорат тобора сайқалланиб бораверади.

— Сурхондарёлик ёшлар ҳам бу ноёб таълимнинг ҳар бир босқичида бор истеъдодларини намойиш этишга интилишяпти, — дейди Термиз давлат университети жис-

моний тарбия кафедраси мудири Абдуразақ Устаев. — Бухорода бўладиган Универсиада уйинларида бу гал вилоятимиздан 49 нафар йигит-қиз иштирок этади. Улар билан ўн нафар тажрибали мураббий махсус режа асосида машғул олди бормоқда. Энг замонавий спорт мажмуалари ёшлар ихтиёрига берилган. Масалан, муҳташам "Сурхон" спорт мажмуасида енгил атлетика, Термиз олимпия захиралари коллежиде стол тенниси, катта теннис, "Алломиш" кураш мажмуасида миллий кураш, дзюдо, белбоғли кураш, "Дельфин" сув спорти саройида эса сувиз бўйича тайёргарлик жараёни қизгин давом этапти. Жамоавий спорт турлари бўйича вакиллари билан фақатгина футбол баҳсларида қатнашишяпти. Улар ҳам шу кунларда сўнги ўқув-машғулот йиғинини ўтказишяпти.

Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ИНСОН МАНЗАРАЛАРИ

Панжи муаллим қош қорайган маҳал уйига қайтди. Лой кўчининг бошига келиб, сумкасини кўлтисига қисди, эгилиб балоғини этик кўнжига тикиб олди. Сўнг олди-ортига қаради, ҳеч ким қўрғинмади, секин ёнидан папирос олиб тутатди ва жаддалаб юрди.

Шу пайт орқадан "Панжи муаллим", деган овоз келди. У таққа тўхтади, қўлидаги папиросни янчи ва ўнг ёнидан у томонга қаради: 7-синф ўқувчиси Окбўта Тўрабоев пишиллаб чопи келаяпти. Яқинлашиб: "Кечирасиз, муаллим, сизни уйга қайтишингизни қутиб турганим. Боиси... Говурган қиссаси нима билан тугаганини билмоқчийдим..." деди ийманиб. Муаллим чуқур нафас олди, жим қолди, сўнг "яхши", деди.

Иккови узун-қисқа бўлиб юра бошлади. Ҳаётининг қиссасини келган жойидан, халифа илонлар подшоҳининг ҳузурига келгани, хатни унга минг бир ҳадик билан берганини ортига жонини вочувлаб қайтганидан бошлади. Қисса мўлроқ эди, ўз қиллоғига этиб келганида ҳам ниҳоясига етмади...

Улар Говурган қиссаси сабаб қилўтмас устоз-шоғирд бўлишди. Окбўта устозининг эстагидан маҳкам тутди, ундан мактаб таълими билан бирга, ҳаёт сабогини ўрганди. Эшигидан нари кетмай, муаллим-

УСТОЗ ЎКИНЧИ

нинг нима хизмати бўлса, бари нин чин кўнғилдан бажарди. Илмининг чегараси йўқ, устоз Окбўтани катта шаҳарга ундади. Отасининг қўли қисқа эди, бошда кўнмади: "Зарағ таёқни елкага ташлаб, молни боқ, сенга катта шаҳарни ким қўйибди", деди. Шунда Панжи муаллим ора қилди: "Ундай деманг, Тўрабой ака, ўлгингизнинг калласи бутун, ўқисин, одам ҳадик билан берганини ортига жонини вочувлаб қайтганидан бошлади. Қисса мўлроқ эди, ўз қиллоғига этиб келганида ҳам ниҳоясига етмади..."

Шоғирд катта шаҳарда кўп ўқиди, яхши-ёмон кунларни, одамларни кўрди. Қиллоқнинг оддий боласимасми, на юрнштурушида, на тилида ўзгариш бўлди. Кимсан, Тўрабойнинг бўш-баёв ўғли бўлиб қолавер-

ди. Оддийлиги боис назарга тушди. Яъни, институт бошлигининг назарига. Бошлиқ Окбўтани обдан суриштирди, қараса, чўпоннинг боласи, фарзандларининг тўнғичи, гўл ва ишонувчан, нақ ўзининг ёшлиги экан. Окбўтанинг бахти қулди. Уни бир каттага рўпара қилиб, шундан одам қиқади, ишончи оқлайди, юзни ерга қаратмайди, деди. Шу гап бўлди у бирор йигирма одамга бошлиқ бўлди. Бошлиқки, сув ичган бўлганинон нон еган дастурхонини унутди-қўйди. Йиллаб қиллоғига қадамни босмади. Айниқса, Панжи муаллим у хақида эшитиб, боши осмонга етди. Кўп йиллар суюниб, гап-гаштақда "Менинг Окбўтадай шоғирдим бор", деб марсиниб юрди. Шоғирдик, боладай беғубор устозини бир

бориб кўрмади, неча-неча тўйларга айтиди, бормади. Шундан сўнг Панжи муаллим ичдан эзилди, дардини ҳеч кимга айтмасдан, юракда сақлади.

Йиллар қаторлашиб ўтиб кетди. Панжи муаллим қариди, белидан қувват, қўздан нур кетди. Аммо шоғирдини ҳамон кутди, эшик "тик" этса, интиқ бўлиб қаради. Интиқлигини бировга билдирмади. Кейинлари қиллоқ болалари: "Тўрабой чўпоннинг тўнғичи зўр одам бўп кетибди", деса муаллимнинг юрагига титроқ тушар, "Яхшиликнинг ҳам жазоси бор", деган нақлнинг ростлигига амин бўларди.

Муаллим бетоб бўлиб ётиб қолди. Тунларнинг бирида ёмон болдикли, ўғилдан гапга етар болаларни чақиртириб айтиди: "Мениям бу дунёга боғлаб қўйгани йўқ, жарнинг ёқасига келиб қолганга ўхшайман. Мен тақдиримдан розиман. Яхшимми-ёмонми, элнинг боласига сабоқ бердим, одам бўлишида улшимни қўшдим. Уларнинг тоелари хамиша порлоқ бўлсин". Аммо юракдаги ўқинини айтмади. Айтмадики, дунёнинг ташвиши суҳуси ҳам бундан ошиб ётибди, деб ўйлади...

Дилмурод СОДИКОВ.

«Қибрай» клиник санаторийси

юрақ-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сихатгоҳдир.

Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етуқ мутахассислар таълимнинг энг янги усуллари асосида беморларни даволайдилар.

Сихатгоҳда сауна, бассейн, фитобар, теннис корти, бильярд ва яна кўлаб қулайликлар мавжуд. Яшаш хоналари кабель ТВ ва машиий электр асбоблари билан жиҳозланган.

Ошхонада 5 маҳал парhez таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.

Манзилимиз:
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай кўрғони.
Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналиши таксида «Дача» бекатигача бориш мумкин.
Тел.: (8-371) 286-02-00, 286-01-97, 286-01-46.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдоларига таклиф қилади.

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 25 июнь кун соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич очиқ бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига:

1. Ҳамза тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2013 йил 4 апрелдаги 1-10/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилган:

1. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Фаргона йўли қўчаси, 15-уйда жойлашган, умумий ер майдони 459,0 кв.м., фойдаланиш майдони 146 кв.м. бўлган нотуражой (цеҳ) биноси.

Бошланғич баҳоси — 36 227 969 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Фаргона йўли қўчаси, 15-уйда жойлашган, умумий майдони 5284,0 кв.м., фойдаланиш майдони 2753,0 кв.м. бўлган, бир ва уч қаватли бешта бинодан иборат офис ва ишлаб чиқариш худуди.

Бошланғич баҳоси — 1 012 958 813 сўм.

II. Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2013 йил 4 апрелдаги 1-10/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Афсона қўчаси, 48-уйда жойлашган, умумий ер майдони 1384,0 кв.м., фойдаланиш майдони 710,0 кв.м. бўлган нотуражой (маъмурий бино ва омборхона) биноси савдога қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 324 724 278 сўм.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги қўчаси, 18-уй.
Телефон: (8-371) 250-19-24. www.realtorgroup.uz
Лицензия: № RR-0017.

Автомобили УАЗ

от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

УАЗ Patriot (comfort) — пикап

Полноприводный (4x4)

ЦЕНТРИ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:
Тел./факс: (8-371) 215-09-11, 215-18-17.
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09, (+99895) 177-01-17.
Узнай больше на сайте www.sardor-avto.uz

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 554. 114 475 нусхадан босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Тахриятта келган кўлэмалар тақриз қилинмайдиган ва муаллифга қайтарилмайдиган.

Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тогаев томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» қўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар қўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — М. Жониҳонов. Навбатчи — З. Худойшукров. Мусахҳиҳ — Ҳ. Топшўжаев.